Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 2 май, сешанба №53 (21.816.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг қарорларига мувофиқ, миллий хавфсизлик масалалари бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий Хавфсизлик Кенгаши — хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича маслаҳат органи ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг аъзолари таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси муҳокамасига тақдим этиш учун «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 1 май.

ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

ГУЛИСТОН. (мухбиримиздан). Сирдарё вилояти матлуботчилари кейинги йилларда колбаса ва сосиска маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича анчагина тажриба тўпладилар. Ҳозир Боёвут разъездидаги корхонанинг ўзидагина етти хилдаги ана шундай маҳсулот чиқарилмоқда ва у истеъмолчиларга манзур бўлаётир. Сирдарё шаҳрида эса матлуботчилар германиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини йўлга қўйдилар. Уларнинг тури ҳам, сифати ҳам яхшиланди. Шу нарса эътиборга лойиқки, ҳозирги пайтда вилоят матлуботчилари колбаса ва сосиска ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ошириш бўйича республикамиздаги юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибдилар.

Шуларни эътиборга олиб, «Ўзбекбирлашув» концерни Сирдарё вилояти матлуботчиларининг ана шу борадаги тўплаган тажрибасини оммалаштириш юзасидан махсус семинар ўтказди. Республикамиздаги барча ҳиссадорлик матлубот жамиятларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислар Сирдарё вилояти корхоналарида бўлдилар. Бу ердаги иш жараёнлари билан танишдилар. Концерн раҳбариятининг қарорига биноан, сирдарёликлар тажрибаси республикамиз матлуботчилари орасида кенг оммалаштириладиган бўлди.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 1995 йил 5 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 4 май куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ОНА ВАТАН: КЕЧА БУГУН ЭРТАГА



Тадбиркорлик

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ЎЗГАРДИ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Ховренко номли Самарқанд вино комбинати очиқ типдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

— Ўзимизнинг агросаноат фирмамиз ҳам бор, — дейди жамият бошқаруви раиси Мумин Дадажанов. — Унга Пасдарғом ва Ургутдаги бир қатор узумчилик хўжаликлари аъзо. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сотиш билан бир жамоанинг ўзи шуғулланади.

Яқинда корхонада маҳаллий гиёҳлардан тайёрланган «Муаттар» виноси савдога чиқарилди. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур юбилейи муносабати билан шарқона безакли ва хуштаъм коньяклар ҳам тайёрланмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

Ишлаб чиқариш

КУНИГА 8 МИНГ ҚОП ТАЙЁРЛАНАДИ

СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Сайҳунобод туманидаги «Оқолтин» дон маҳсулотлари комбинати вилоятдаги йирик корхоналардан ҳисобланади.

Ҳозир корхона ўз маҳсулотларини Тошкент, Жиззах ва бошқа вилоятларга ҳам жўнатмоқда. Комбинат раҳбари Саттор Обидовнинг фикрига қараганда, шу кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун 5 мингдан ортиқ қоп керак бўлар экан. Яқинда бу муаммо ҳам ҳал этилди. Комбинат қошида қоп таъмирлаш цехи иш бошлади. Бу ерда кунига 8 минг дона қоп таъмирлаш мумкин. Цехда 70 га яқин ишчи ўрни бор. Келажакда цех янада кенгайтирилиб, мустақил равишда қоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

Транспорт хизмати

ЭЪТИРОЗ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

АНДИЖОН. Марғилон орқали қатновчи Андижон -- Қўқон шаҳарлараро поезди эрталаб 5.40да йўлга чиқарди. Поезднинг Қўқондан қайтиши 17.00га тўғри келарди.

Андижонликларга бундай соатда транспорт хизмати кўрсатиш маъқул келмади. Боиси, поезднинг жўнаш вақти жуда эрта бўлиб, айниқса қиш ойларида шоҳбекатга етиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига автобуслар қатнови ҳам эндигина бошланган бўлади. Олис туманлардан поездга етиб келиш ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади.

Шунингдек, қайтиш ҳам ноқулай. Чунки Қўқондан йўлга чиққан поезд Андижонга келгунча кечки соат 20.00 атрофида бўлиб, шаҳардан туманларга қатновчи автобусларга илиниш қийин кечади. Йўловчиларнинг бундай эътирозлари инобатга олинди. Фарғона темир йўли бўлими раҳбарлари поездлар қатновидаги вақтни ўзгартиришди. Ҳозир поезд Андижондан эрталаб 7.40 да йўлга чиқиб, Қўқондан 14.45 да қайтмоқда.

Равшан ШОКИРОВ.

Қинғир иш, келтирар ташвиш

ЁЛҒОНЧИНИНГ УЙИ КУЙДИ

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Бу воқеани эшитганлар ҳам кулишди, ҳам ачинишди. Техника эҳтиёт қисмлари сақланаётган омборнинг девори тешилган, камёб аккумулятор йўқолган. Омбор мудири эса ўзини ҳар ёққа уриб, шикоятбозлик қилиб турибди...

Зудлик билан иш бошлаган ички ишлар ходимлари ўғрини ҳам, йўқолган буюмларни ҳам топишди. Маълум бўлишича, Шаҳрисабз туманидаги Уроқ Иброҳимов номли жамоа-ширкат омборининг мудири М. Қурбоновнинг ўзи ўғри бўлиб чиқди. У деворни тешиб, аккумуляторни уйига олиб кетган, изни чалғитиш учун милицияга ўзи хабар берган экан. Одамлар энди омбор мудири камёб буюмни эмас, ўзига биллирилган ишончни, бошқача қилиб айтганда ўзлигини ўғирлабди, деб афсусланишмоқда. Ёлғончининг уйи куйибди, деганлари, шу-да.

Юнус УЗОҚОВ.

Ишлаб чиқариш

ХАРИДОРГИР БУЮМЛАР

Тошкент вилоятида хусусийлаштиришнинг турли шаклларини ривожлантириш юзасидан режалаштирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли эҳтиёжидаги моллар ишлаб чиқаришда, айниқса ҳиссадорлик жамиятларининг улуши кўпайиб бораётир. Олмалиқ шаҳридаги «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти шулар жумласидан. Айни пайтда бу фирма дўконлари орқали сотилаётган буюмлар тури ўттиз хилдан ошиб кетди. Жамият корхоналарида тайёрланаётган катталар ва болалар костюм ва ички кийимлари, гилам ва палослар харидоргир.

Яқинда яна бир неча янги маҳсулот дўконларга чиқарилди. Улар орасида ишчиларнинг махсус кийимлари, кўрпа-тўшаклар бор.

Абдунаби МАННОПОВ.



Қадимий Самарқанд заминида ишбилармонликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вужудга келаётган кўплаб кичик корхоналар, фирмалар бунинг яққол далилидир. Улар фаолияти натижасида биргина Сиёб туманида шу йилнинг тўрт ойи ичида 240 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Сиёбдаги «Умар» хусусий фирмаси ташкил этилганига бор-йўғи бир йил бўлганига қарамай республикамиз ишбилармон ва тадбиркорлари орасида ном қозониб улгурди. Фирманинг кенг миқёсда муваффақият билан иш олиб бораётганлиги бунга сабаб бўлди. Улар Туркманистон, Қозоғистон ва Тожикистон корхоналари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, ўзаро ҳамкорликни намунали йўлга қўйганлар. Шунингдек, ўзаро келишувга асосан Россиядан қурилиш материаллари, Германиядан совун ва шакар, Белорусдан турли саноат маҳсулотлари, Хитойдан дори-дармонлар келтириб, туман ва вилоят аҳолисига сотишяпти.

Бугунги кунда фирманинг мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларидан консервалар тайёрлаш, мармарни қайта ишлаш, дурадгорлик ва темирчилик цехларида 300 ишчи-хизматчи турли-туман маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул.

СУРАТЛАРДА: 1. Фирма соҳиби Умар Ражабов ва фирма директори Зойир Ҳайдаров фирма фаолияти тўғрисида суҳбатлашмоқдалар. 2. Тикув цехида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИ ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

Шуурида истиқлол ва буюк мамлакат орзуси олий аъмолга айланган инсон тарбияси — ҳаёт, нажот ва саодат иши эканлигини Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида алоҳида уқтириб ўтди. Бу дастурий кўрсатмаларга изчил амал қилаётган Китоб тумани ҳокимлиги ижобий тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўткинчи иқтисодий қийинчиликларга қарамай бу йил учта мактаб биносининг ишга туширилганлиги, ўқувчи либослари, мактаб парталари туманнинг ўзида тайёрланаётганлиги фикримизнинг далилидир. Туман ҳокимлиги қарори билан яқинда Карл Маркс номли 2-ўрта мактаб базасида лицей-интернат ташкил этилганлиги яна бир қувончли воқеа бўлди.

— Фан асосларини пухта эгаллаш болаликдан бошланади, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий бўлим мудири Баҳодир Ҳусаинов. — Тумандаги 27-мактабнинг 53 синфида фанларни чуқур ўргатишга киришилган. Беш мактабда бошланғич синф гимназиялари фаолият кўрсатмоқда. Тўртта болалар боғчасида эса араб ва инглиз тиллари ўргатиляпти. Янгидан ташкил топган лицей-интернатда 140 ўқувчи хорижий тиллар, табиий фанлар ва экология кўникмаларини пухта эгаллайди.

«Ўзбекстон овози» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

ЧИНОРЛАРИ ҚУРИЁТГАН БОҒ

ёки бошқариш мурвати бўшашгач...

Қизириқ тумани ўзининг маданият ва истироҳат боғи билан тенгдош. Иккаласи бир йилда ташкил этилган. Ўшандан буён йигирма йил ўтди. Боғ сатҳи — 18 гектар. Ҳокимлик маъмурий идорасининг шундоққина орт томонида. 18 киши ишлайди. (Бир гектарга — бир киши). Дарахтлари асосан чинорлардан иборат, истироҳат боғи деганда сиз йўлакларига ҳошиялар тортилган, томошагоҳу ўйингоҳларига дарахтларнинг қуюқ соясли тушиб турадиган, кўрган кишининг баҳри-дилини очиб, унга роҳат бағишлайдиган мўъжаз бир масканни кўз олдингизга келтирарсиз.

Қайдам. Бу боғ дарахтларининг шохини шамол синдирган. Айрим дарахтлар ернинг шўрланишиданми, қуриб қолган. Бир бурчаги бутазор-у бир бурчаги чангалзор. Болалар аттракциони ишламайди. На чойхонаси-ю на ошхонаси бор. Хуллас, кечаси кўзни қўрқитадиган, кундузи кўзни куйдирадиган бир жой.

— Боғ бунчалик керак бўлмай қолган экан, унга чиройли ғиштлардан дарвоза қурганларингиз, дарвозанинг пештоқига «Мустақиллик» деб ёзиб қўйганларингиз нимаси? — деб сўрайман туман ҳокимининг муовини Жума Қосимовдан.

— «Мустақиллик» деган номни қўймайлик, деб мен аввал бошдан айтувдим, — дейди фиғони чиққандай бўлиб Қосимов. — Айримлар туриб олишди-да. Энди бўлса...

— Энди, мана, тўқсон бешинчи йилда истироҳат боғингизда бойўғли қишлапти.

— Тўғри, бойўғли қишлади, — дейди муовин «очиқ кўнгиллик» билан. — Бойўғли боғнинг шохи синган чинорларидан учиб, идорамизнинг арча дарахтларига келиб қўнаётгани кўнглимизни нохуш қилади.

Туман агробанки идорасига ўтдим. У ерда ҳам шу — истироҳат боғида бойўғли қишлай бошлагани ҳақидаги гап.

— Ишларимиз ёмон эмас, — дейди банк бошлиғи Абдимурод Худойқулов. — Қарз олмоқчи бўлганга пул топиб берамиз. Туманимизнинг бош созинамизга пул туширадиган ташкилот деймизми, корхона деймизми, районимизда битта — пахта заводи.

Худойқуловга мен «Ўзмостекст» деган тикувчилик фабрикасини эслатдим. «Ўзмостекст» — Москва шаҳридаги аллақайси тўқимачилик фабрикаси билан ҳамкорликда туман марказида очилган қўшма корхона. Корхона очилиш маросими арафасида туманнинг катта йўли уч кун супурилган эди.

— Бу номи улуғ, супраси қуруқ корхона чиқди, — дейди Худойқулов. — Корхона толани қайта ишлаб, мато тўқийди, матога гул босиб, кийим-кечак тикади деб умид қилувдик. Қайдам. Қаердандир мато обкелиб тикувчилик қилишади. Тикканлари — халатми, ёстиқ, кўрпа жилдлари, сочиқ деган нарсаларми. Тушим беришининг тайини йўқ. Гилам, эшик, сандиқ, тайёрлайдиган цехлари бор, дейишади. Даромадлари — ўзига яраша. Натижа — аниқ: бозоримиз обод эмас. Дўкон пештахталарида ўзимизнинг маҳсулотлар ниҳоятда кам. Хўжаликларимиз қарзга ботган. Сабзавот экишсин. Хўлу қуруқ мевани кўпроқ етиштиришсин. Керак бўлса ҳар бир хўжалик Термизданми, Тошкентданми дўкон очишсин. Савдо-сотиқ қилишсин. Қилишмайди...

Шу гурингдан сўнг туман ҳокимининг муовини Жовли Холмуродовга учрашиб, ундан 1994 йили туманда жон бошига 19 сўм 70 тийинлик истеъмол моллари ишлаб чиқаришлиги аҳолини эҳтиёж моллари билан таъминлаш ишларига путур етказган. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида 78 тонна ўрнига 54 тонна усимлик мойи олиб келди. Бу жамиятнинг дўконларига кўз тикиб турган ҳар жон бошига бир килограммдан тўғри келади, холос. Жамият раиси Уроқ Достоновнинг қайсидир бир камчилиги кўриниб қолгани учун уни вазифасидан бўшатгандилар. Ўшандан буён ҳам оз эмас — кўп эмас, беш ой ўтяпти-ки, раис тайинланганги йўқ...

Яна бир дангал таъкид: туманда 1994 йилги пахта тайёрлаш режаси барбод берилди. Дон ҳосилдорлиги олдинги йилдагидан пасайди. Полиз, хўл мева, узум, гўшт, сут етиштириш камайиб кетди. Қорамол бир йилнинг ўзида 1093 бошга камайди. Чорванинг бугунги аҳволи, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида икки оғиз фикрини оларманми деб туман деҳқончилик саноати уюшмаси идорасининг бўсағасини ҳатладим. Уюшма раиси Тўхта Ҳайдаров Ильф ва Петровнинг «Ун икки стули»ни яхши ўқиганмикин, Остап Бендерчасига жавоб қилди: «Ишларимиз ўнгишиб кетгач, бир келасиз. Гурунглашамиз».

Сўнгги таъкид: Юрган — дарё-да, бир одам билан суҳбатлашиб қолдим.

— Мулла Тангриман. Қаршиев, Туман сув хўжалиги идораси ходими. Энди, ўртоқ мухбир, қийинчилик кўп. Баҳона кўп. Лекин ишлайман деган ишлаяпти. Бир мисол: заготзерномиз (дон қабул қилиш идорасини айтмоқчи) озгина вақт ичида обод бўлиб қолди. Тегирмон қуриб, туманни ун билан таъминлаяпти. Раҳбари — Нурматов Эшпўлат, ишлайдиган одам экан-да. Энди паркимизни (истироҳат боғини айтмоқчи) олинг. Ер шўр бўлгани учун дарахтлар қуриб кетяпти, дейишади. Ерунда! Туманимизда йигирма сотих томорқа боғидан миллионер бўлиб турган одамлар бор. Уларнинг дарахти нимага қуримайди?! Парк ўшандайларнинг қўлига тушсин қани. Ҳар бир иш одамига тушсин-да. Биз (туманимизнинг иқтисодиёти, демоқчи шекилли) бўлса, ўртоқ мухбир, мудраяпмиз. Яқинда, масалан, республика газеталаридан бири туманимизни урди. Карвонни ортга тортаётганлар, депми. Лекин танқид сувга отилган тошдай чўкди-кетди... Бошқаришнинг мурватлари бўшашган. Айтганларимнинг ҳаммасини газетага ёзиб юборманг тағин.

Бу — оддий фуқаронинг гаплари.

Изоҳ бериш ортиқча.

Вилоятнинг ваколатли кишилари аҳволга изоҳ бериб, бўшашган мурватларни бураб қўйишса қанийди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мафкура ва тафаккур

МАЪНАВИЯТ ЎЗАГИ

Тўрт йилдирки, ҳақиқий озодлик, мустақиллик нашидасини суриб, эркин нафас оляпмиз. Шу йиллар мобайнида тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, динимиз ва қадриятларимизни тиклаш борасида озмунча ишлар қилиндими? Наманган вилоятининг ўзида неча юзлаб шинам, кўркам ҳашаматли масжидлар бунёд этилди. Тарихий обидаларимизнинг тожи бўлган Мулла Бозор Охунд масжид ва мақбараси янгидан тикланди. Бу ерга жума бозорига борсангиз, минглаб одамлар ҳатто ҳовлиларни ҳам тўлдириб намоз ўқиётганларнинг шоҳиди бўласиз. Кўпчилиги фахрий, нафақахўр бўлган табаррук қарияларимиз авваллари улов-транспортларда қийналиб, узоқ жойлардаги масжидларга жума ва ҳайит намозларини ўқишга борардилар. Улар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатдан мамнун эканликларини изҳор этишади. Кўпни кўрган, олим сифатида тан олиб айтаманки, бу эришилган ютуқлар ва қилинган улкан ишлар фақат мустақиллигимиз ва Президентимиз И. Каримовнинг доно раҳбарлиги туфайли рўёбга чиқмоқда.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқи барчамиз учун ҳар соҳада чиндан ҳам дастуруламал бўлди.

Маърузанинг «Юксак маънавият-келажак пойдевори» бўлимида: «Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончнинг орта боришидир. Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди», деган жумлаларни ўқиймиз. Бозор иқтисодига ўтилаётган ҳозирги даврда фақат иқтисодий масалалар билан шуғулланиб, маданий турмуш учун зарур бўлган маънавият ва маърифатни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Замонавий юксак техникани бошқариш учун илм соҳиби бўлиш билан бирга маънавий етук, ўзлигини англаган, мустақил тафаккур қила оладиган авлодларни тарбиялашимиз зарур. Ақлий заковат ва маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотидур», — дейди Президентимиз ўз маърузасида. Кимки маърифатдан йироқ бўлса, ўз халқининг тарихи, маданияти, адабиётидан хабардор бўлмаса, ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқолмайди, халқ орасида обрў тополмайди.

Маърузада: «Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга» эканлиги кўрсатилиб, «Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги» деб таъкидланганидек чиндан ҳам маънавият соҳасида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Имом Бухорий мақбараси, масжиди таъмирланиб, атрофида гўзал шаҳарча барпо этилмоқда, дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик муқаддас жойга айланмоқда.

Маънавият ва маърифат соҳасида Наманган вилоятида анча ишлар қилинди. Маърифат ўчоғи бўлмиш педагогика институти Наманган Давлат университетига айлантирилди. Унинг қошида шарқшунослик бўлими ташкил этилиб, араб, форс тиллари, эски ўзбек ёзуви ва шарқ мамлакатлари тарихи, Ислом тарихи ўқитилмоқда. Бу бизнинг араб, форс ва қадимги ўзбек тилларида яратилган бой маданиятимиз ёдгорликларини, тарихимиз ва тилимизни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Вилоятимиздан етишиб чиққан 10 дан ортиқ истеъдодли шоирлар ва кўҳна Ахсикатдан чиққан кўплаб олимлар ҳаёти ва ижоди ҳали урганилмаган. Илк бор Машрабнинг машҳур аҳлоқий-тарбиявий ва фалсафий йирик асари «Мабдаи нур» чоп этилмоқда. Фазлий Намонгоний, Хилфатий, Нодим, Доғий, Нисоий каби шоирлар ҳаёти ва ижодидан халқимиз ҳали тўла баҳраманд бўлган эмас. Республикамиз шон-шарафини юксак даражага кўтарадиган маданиятимиз дурдоналарини халққа етказиб бериш асосан маблағ масаласига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунинг учун Президентимиз таъкидлаганидек, вилоят, шаҳар ва туманлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, шахсий фирмалар, қолаверса, ватанини ва маданиятини севган, унга ҳурмат билан қараган ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшмоғи керак.

Маърузада қайд этилган яна бир муҳим масала — давлатнинг динга бўлган муносабати масаласи ва Ислом динига берилган ижобий баҳодир. Дунёда диний эътиқодсиз бирор ҳалқ, миллат ва элат йўқ. Ҳар бир халқнинг тарихи, адабиёти, маданияти, тили ва урф-одатлари у эътиқод қилган дин билан чамбарчас боғланган. Бизнинг тарих, адабиёт, маданият, табобат, санъат ҳамда меъморчилигимизни Ислом динидан узиб олиб ўрганиб бўлмайди. Давлат раҳбарлари орасида Исломга нисбатан хайрихох, ҳаққоний баҳо биринчи марта Президентимиз маърузасида ўз аксини топди.

Биз мустақиллик туфайли диний эркинликка эришдик. Диндорларга тазйиқ ўтказиш қонун йўли билан ман этилди.

Намангандан кўплаб диний арбоблар етишиб чиққан. Ҳозирги кунда ҳам кўплаб уламолар дини Ислом йўлида хизмат қилмоқдалар. Лекин шундай уламолар ҳам борки, уларнинг амри маъриф ва ташвиқотлари замон талабига тўла жавоб бермайди. Айрим дин арбоблари ўз халқининг тарихи, бой маданияти, адабиёти, ҳозирги дунё миқёсидаги фан-техника тараққиётидан бутунлай бехабар, фақат диний илм билан чегараланиб қолишган... Мадраса ва хонадонларда диний таълим олаётган кўплаб истеъдодли йигит-қизларимиз ҳозирги замон тараққиёти талабларидан мутлақо бехабарлар. Уламоларимиз ҳозирги жорий алифбомиздан нашр этилаётган китоблар, шу жумладан, диний адабиётларни кўздан кечириб боришмайди. Ўз она тилида яратилаётган янгиликлардан бехабар бўлиш уламолар учун жоизмас.

Бизнинг қонунларимизда диний адоват, бошқа диндагиларни камситиш, таъқиб остига олиш таъқиқланган. Ундайларга нисбатан жиноий жазо белгиланган. Президентимиз таъкидлаганидек: ҳар бир йигит-қизимизни илмли, маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, уларни замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилиш лозим.

Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Наманган Давлат университети кафедра мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ХАЙРИХОҲЛАР ОРТИБ БОРМОҚДА

Туман партия кенгаши ўз сафини мустаҳкамлаш ва унинг халқ орасидаги обрў-эътиборини оширишда кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Бошланғич партия ташкилотининг сони ўсиб, бизга хайрихоҳлар ортиб бормоқда.

87 та бошланғич партия ташкилотида аъзоларимиз уч минг нафардан ошиб кетди. Улар орасида ишчилар, хизматчилар, зиёлилар, деҳқон ва фермерлар бор. Қувонарлиси шуки, ўз ҳаётини сиёсий партия билан боғлаганларнинг 70 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Улар ўттиз ёшгача бўлган ёшлар, катта ҳаёт мактабини ўтаган кишилар ҳамда хотин-қизлардан иборат. Бу туман партия ташкилотининг салоҳиятини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Кейинги пайтда ишбилармонлар, тадбиркорлар, кичик корхоналарнинг вакиллари ҳам партиямизга аъзоликни истаб ариза бермоқда.

Бошланғич партия ташкилотларида аъзоликка қабул қилишда кишиларнинг ишчанлиги, ташаббускорлиги, билим савияси, оила ва жамоадаги юриш-туриши, феъл-атвори, ҳулқи алоҳида эътиборга олинади.

Ўтган йили партия сафига юздан ортиқ киши қабул қилинди. Шундан 62 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу кўрсаткич 1993 йилдагидан анча кўп. Жорий йилнинг биринчи чорагида 44 нафар янги аъзо ўз ҳаётини партия билан боғлади. Айниқса, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», «Кўкдала», Ф. Хўжаев номли, «Чиғ», «Бешчашма», «Қалқала», «Оқчава», Ҳ. Олимжон номли, С. Жўраев номли жамоа хўжаликлари, пахта тозалаш заводи, маданият, алоқа бўлимлари, 248-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси, «Ўзбекистон», С. Ўтаев номли маҳалла бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари бу борада самарали ишлар олиб бормоқдалар.

Туман партия кенгаши ташвиқот ва тарғибот ишларига ҳам алоҳида эътиборни қаратмоқда. Туман кенгаши ижроия бюроси туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда элликка яқин кишидан иборат ташвиқот ва тарғибот гуруҳи тузиб, унга партия фаоллари, зиёлиларни жалб этди. Натижа ёмон эмас. Улар жойларда туман аҳли билан юзма-юз мулоқотлар олиб бориб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги юртбошимизнинг маърузаси, партиямиз Низоми ва сайловолди Сиёсий дастурининг аҳамияти ҳақида тушунчалар беряпти. Кишиларнинг маънавий оламини бойитишда фаол иштирок этяптилар. Шунингдек, Президентимизнинг хорижий давлатларга бўлган олий даражадаги сафарлари якунлари, унинг моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Партия ташкилотлари мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги бир қатор Президент Фармонларини бажариш ва ҳаётга жорий этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Маиший хизмат, савдо, маҳаллий саноат соҳаларида аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга катта эътибор қаратилмоқда.

ХДП фахрийлари, депутатлар билан ҳамкорликда аҳолининг турмуш шароити ўрганилди. Меҳнат ва уруш ногиронлари, кам таъминланган оиларга моддий ёрдамлар уюштириляпти. Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан барча жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қамровли тадбирлар ўтказиляпти. Фахрийлардан А. Ҳасанов, А. Омонов, Х. Худойбердиев, Я. Жўраев, У. Умаров, У. Ирзаев, Б. Аликулова, С. Шайманов, Меҳнат Қаҳрамонлари Б. Сафарова, П. Кўчаров, Э. Шафтоқов, У. Ҳамраевлар учрашувларда фаол қатнашяпти. Ўз ҳисобимиздан кам таъминланган 20 оилага 300 сўмдан моддий ёрдам уюштиришни режалаштирдик.

Биринчи гуруҳ уруш ногирони Рустам бобо Қулбуловнинг терак кўчати етиштириш соҳасидаги ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уни янада оммалаштириш ишлари олиб бориляпти. Бу саховатли инсон хўжалик ва ташкилотларга, мактабларга терак ниҳолларини бепул етказиб берди.

Шу кунларда барча хўжаликларда, корхона ва муассаса, мактаб ҳовлиларидаги уруш қаҳрамонлари хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликлар таъмирланмоқда.

Бундан кейин ҳам туман партия кенгаши шу кунги муҳим, долзарб масалаларни кун тартибига қўйиб, бошланғич партия ташкилотларининг Президент Фармонларини бажариш, партия аъзоларининг ижтимоий фаолиятини ошириш, тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътиборни қаратади.

Шоҳмурод ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгашининг биринчи котиби.

Шу кунларда Жиззах пайпоқ тўқиш фабрикасида узлуксиз равишда маҳсулот чиқарилмоқда. Бу ерда кунига 30 минг жуфт пайпоқ тайёрланаётири. Эркаклар, аёллар ва болалар пайпоқлари, кичкинтойлар учун колготкилар аҳолига манзур бўлаётир.

Суратларда: 1. Корхона бош муҳандиси Олтибой Ҳамроқулов (ўртада) тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Ишчи Назокат Эргашева.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«ФАРҒОНАЛИК ҚАҲРАМОНЛАР»

Фарғона вилояти партия кенгаши Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўз маблағи ҳисобига «Фарғоналик қаҳрамонлар» номли китобни чоп этди. Китоб ўттизга яқин Фарғонада туғилиб ўсган ва шу ердан ҳарбий хизматга чақирилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган жангчилар жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимовнинг сўз бошиси билан бошланган китобда қаҳрамонларнинг суратлари, таржимаи ҳоллари ёрқин акс этган. Вилоят партия кенгаши тайёрлаган бу муносиб армуғон қутлуғ айём арафасида китобхонлар қўлига бориб тегди.

Вилоят ҳокими М. Исломов вилоят партия кенгаши ва ижтимоий таъминот бошқармасининг 2 мингга яқин биринчи гуруҳ уруш ногиронларига хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидаги қўшма қарорини маъқуллаб, бу ташаббусни янада кенг ёйиш юзасидан махсус қарор қабул қилганлиги ҳам қувонарли ҳолдир.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРДЛИК МАНГУ ЯШАЙДИ

Уруш биздан қанчалик узоқлашган сайин у кунларнинг ўчмас ёди қалбимизда янада мустаҳкам ўрнашиб бормоқда. Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан Қўрғонтепада туман ҳокимлиги ва партия кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Мардлик мангу яшайди» бадиий композицион кеча ёшу кексанинг қалбини ларзага солди. Давр қийинчиликлари бир зум унутилиб, хотиралар гирдобида 1941 — 1945 йиллар ёд этилди. Уруш бошланганда ҳали ёр васлига тўймаган йигитдан тортиб, бешикдаги фарзандини эркалаб улгурмаган оталар ҳам унга отланганди. 19 минг нафардан зиёд қўрғонтепалик жангчи бир сиқим тупроқ учун жон олиб, жон бердилар. Афсуски, уларнинг кўпчилигига ғалаба кунларини кўриш насиб этмади. 1200 нафардан зиёд жангчи ғалабадан сўнг она тупроғига қайтди. Улар орасида Н. Чўтбаев, Т. Абдуллаев, М. Тошбоев, А. Мақсудов сингари кўплаб эр-йигитлар бор. Жангчи фахрийларнинг босиб ўтган йўли ва Ватан олдидаги хизматлари кечада алоҳида улуғланди.

Кеча сўнгида отахонлар қўлларини дуога очиб, ўзларига бўлган эътибор ва ҳурмат учун юртимизга тинчлик-омонлик тилашди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Банк тизими: ислоҳот қандай бормоқда?

ҲИСОБИНИ БИЛГАН ЙЎЛИДАН АДАШМАС

Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат жамғарма банки раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Нурулла ЭРГАШХЎЖАЕВ билан суҳбат

— Нурулла Ғаниевич, халқимизда аввал иқтисод, кейин сиёсат деган доно нақл бор. Ҳақиқатан, иқтисодий бақувват давлаттина мустаҳкам сиёсат юргиза олади, халқи осойишта яшайди. Шу боис, Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан қайта қуришда жамғарма банкининг ҳиссаси қандай бўлмоқда?

— Ўзингизга маълум, Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки мамлакатимиздаги йирик тижорат банкларидан бири саналади. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида банкнинг 2568 та шахобчаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари юртимиз аҳолисининг барча турдаги тўловлари мазкур банк орқали амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб банкимиз тизимида 10 мингга яқин ходим меҳнат қиляпти. Шулардан кўпчилиги олий маълумотли мутахассислар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банкимизга омонатларнинг фоиз ставкаларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди. Айни пайтда жамғарма банки республикамиздаги барча тижорат банклари қаторида ҳуқуқий ташкилотлар билан ишлаш учун кредит-молия муассасаси мақомига эга бўлди. Аҳолининг 1995 йил январь ойигача бўлган омонат қолдиқлари 1 миллиард 21,5 миллион сўмни ташкил этди. Банкнинг низом жамғармаси 4 миллион, шунингдек, резерв жамғармаси 21 миллион 879 минг сўмни ташкил этди. 1994 йилнинг апрель ва октябрь ойларида омонатларнинг фоиз даражаси ўсди ҳамда янги қисқа муддатли депозит омонатлари жорий этилди. Бу омонатларга жалб этилган маблағлар, янги корхоналарни барпо этиш, республика ҳудудида янги техника ва технологияларни жорий этиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва якка тартибда уй-жой қурилишига сарфланмоқда. Бу ишлар республикамиз ривожи учун маълум бир мадад, мамлакат иқтисодиётига бизнинг ходимларимиз томонидан қўшилаётган ҳиссадир.

— Маълумки, миллий пул бирлиги Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида бевосита жаҳон мамлакатлари билан ҳар томонлама фойдали алоқаларни юритишга қулай имконият беради. Катта миқдордаги молларнинг ноқонуний четга олиб кетилишини чеклайди, миллий бозор мўл-кўллигини таъминлайди ва товар билан таъминланмаган беҳуда пул оқимини тўхтатади. Шундай экан, қандай йўл билан пул қадрсизланишининг олди олинмоқда?

Иқтисодий мустақилликни барқарор ушлаб туриш осон иш эмас. Миллий пулимиз тўғрисида гап борар экан, Ўзбекистон фуқаролари, барча акционерлик жамиятлари, ижара корхоналари, хусусий, давлат корхоналари, банклар, тижорат муассасалари, қўйинг-айланган эди. Ўша даврлардаги танга, мири каби пул бирликлари жаҳонда ўз обрў-эътиборига эга бўлган.

Шу ўринда бугунги кунда миллий пулимиз-сўмнинг қадрсизланишини олдини олиш ҳамда омонатларни иқтисодий ҳимоялаш мақсадида Жамғарма банкида 1995 йилнинг февраль ойидан бошлаб «Капитал» ҳамда «Капитал-люкс» сингари янги омонат турлари жорий этилди. Омонатнинг бу турлари ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида пул қадрсизланишининг олдини олиш ҳамда аҳолини эркин пул маблағларини омонатга янада кенгроқ жалб этиш мақсадида ҳар ойда 9, йилига эса 180 фоиздан ортиқ даромад олиш имкониятини берадиган тартибни жорий этдик. Бундан ташқари, бир қатор вазирликлар, идоралар билан биргаликда банкимиз турли пул-буюм лотереяларини таъсис қилди ва қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда «Совға» пул-буюм лотереяси сотилиб, ютуқлар тиражи ўтказилди, яқин кунларда «Мустақиллик» деб номланган янги пул-буюм лотереясини сотувга чиқармоқчимиз.

— Банклар тизимини замон талаби даражасида ислоҳ қилишда малакали мутахассисларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Бунинг учун мустақил, ишни кўзини биладиган банк ходимларини тарбиялаш ва уларни қўллаб туриш керак. Банк муассасаларининг кундалик ишига ҳуқуқий кредит ва ҳисоб-китоб иши мутахассислиги бўлмаган ходимларнинг соҳага келиб қолиши баъзи жойларда ишга путур етказмоқда.

Ўзжамғармабанки бошқаруви ва унинг муассасалари ходимлари сафини тўлдириш, малакасини ошириш, тажриба ўргатиш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Тошкент молия институтида ташкил этилган махсус ўқув курсларига мунтазам равишда ходимларимизни ўқишга жалб қилмоқдамиз. Мутахассисларимиз Жаҳон дипломатия ва иқтисодий алоқалар университети қошида, Европо ҳамда Туркия банклари муассислигида ташкил этилган Бошқарув институтида банк соҳасидаги замонавий ишлаш услубини ўрганмоқда. Бир қатор етакчи ходимларимиз Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатларига, қолаверса республикамиз ҳудудидаги бошқа тижорат банкларига тажриба алмашиш мақсадида юборилмоқда. Республикамизда чиққан Фармон ва қарорлар асосида Марказий банк таъсис қилган қўлланмалар ҳамда банкимиз томонидан ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар жойларда ходимларимиз томонидан мунтазам ўрганилади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, республикамизда банклар учун кадрлар тайёрлаш иши қониқарли эмас. Айниқса, хорижий пуллар ва хорижий мижозлар билан банк муомаласини юрита оладиган ходимлар бармоқ билан санарли.

— Ривожланган чет эл мамлакатлари билан банклараро алоқаларни йўлга қўйиш соҳасида Ўзбекистон жамғарма банки тизимида қандай ўзгаришлар бўлмоқда?

— Хорижий мамлакатлар банклари билан алоқаларни йўлга қўйиш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатларининг Жамғарма банки бирлашмаси билан биргаликда ўзаро корреспондентлик ҳисоблари очиш тўғрисида музокаралар олиб бориляпти. Бундан ташқари Даниянинг Тошкентдаги банк ва молия муассасаларига маслаҳатлар берувчи «Делойт ва туш» ваколатхонасининг вакиллари Марказий банк билан тузилган шартномага мувофиқ шу йил 20 февралдан бери Жамғарма банкининг иш жараёни билан танишмоқда. Улар ишларимизни ўрганишгач, 4 та асосий йўналиш бўйича хулосалар беришади. Биринчидан, банкнинг молиявий аҳволи, иккинчидан, банк тизимининг таҳлили, учинчидан, банк муомалаларининг таҳлили, тўртинчидан, стратегик бизнес режаларини тузиб, бизга келажакда зарур бўлган ишлар тўғрисида маслаҳат берадилар.

— Жамғарма банки муассасаларида имтиёзли қарзлар бериш хизмати қай йўсинда йўлга қўйилган?

— Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки республикамизда аҳолига имтиёзли қарз берадиган ягона банк десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 мартдаги 175-сонли қарорига мувофиқ аҳолига шахсий уй-жой қуриш учун йилига 20 фоизли узоқ муддатли қарзлар беряпмиз. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, биз кам таъминланган оилаларга 15 фоизли, уруш қатнашчиларига эса фоизсиз қарзлар беришни йўлга қўйдик. Агар бу қарзлар аҳолининг омонатларга жалб қилинган маблағлари ҳисобидан берилиши ва омонатлар учун ҳозирги кунда энг камида 30 фоиз тўланишини ҳисобга олсак, унинг қанчалик имтиёзли эканлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат қолмаса керак.

Суҳбатдош: Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САЙЛОВ МАЛАЙЗИЯДА навбатдан ташқари умумхалқ сайловлари ўтказилди. Мамлакат тарихида илк бор сайловда миллий фронт коалицияси катта муваффақият қозонди. Коалиция таркибидаги 14 партия парламентда 192 ўриндан 161 тасини, штатларнинг қонун чиқарувчи йиғинида эса 394 ўриндан 338 тасини эгаллашга муваффақ бўлди. Ислом ва миллатчилик оқимидаги мухолифат эса Келантин штатидагина ўз мавқеини сақлаб қолди, холос.

ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

ҚОЗОҒИСТОНда машҳур «Макс» мустақил телерадиокомпанияси ўз фаолиятини тугатди. Бунга телерадиокомпаниянинг бош директори В. Литвинов билан ходимлар ўртасида юзага келган ижодий ва молиявий келишмовчилик сабаб бўлди. Натижада Матбуот ва оммавий ахборот вазирлиги телерадиокомпанияга берилган рухсатномани қайтариб олишга қарор қилди.

50 ЙИЛДАН СЎНГГИ ҲАМКОРЛИК

ИККИНЧИ жаҳон урушида бир-бирига қарама-қарши бўлган Австралия ва Япония 50 йилдан сўнг ҳарбий соҳада ҳамкорлик ўрнатишга қарор қилди. Шу мақсадда Австралия Бош вазири Пол Китинг май ойида Токиога сафар қилади. Сафар чоғида Австралия ва Япония ўртасида ҳар йили олий даражадаги сиёсий ва ҳарбий маслаҳатлашувлар ўтказилажаги хусусида эълон қилинади.

РАСМИЙ ТАШРИФ БУЮРАДИ

ҚОЗОҒИСТОН Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ким Ен Самнинг таклифига биноан 15 майдан 18 майга қадар Корея Республикасига расмий ташриф буюради. Олий даражада ўтказиладиган музокараларда долзарб халқаро муаммолар ва минтақадаги вазият, икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилган.

МАСАЛАГА ОЙДИНЛИК КИРИТИЛАДИ

ШИМОЛИЙ Атлантика блокининг Бош котиби Вилли Клас журналистлар билан суҳбатда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцининг Москвада бўладиган учрашувида НАТОни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилишини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, 9 майда режалаштирилаётган Билл Клинтон билан Борис Ельцин учрашуви НАТОни кенгайтириш масаласига янада ойдинлик киритиши мумкин.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Халқаро ҳуқуқ

БРИТАНИЯДА ҲУКУМАТ ТИЗИМИ

Ҳуқуқий давлат сари одим ташладик. Давлат тизими, парламенти, қонунчилиги қайта қурилмоқда. Бу йўлда дунёдаги етакчи, тараққий этган мамлакатлар тажрибалари ҳам ўрганилмоқда. Биз газетхонларимизни ана шундай давлатлар ҳуқуқий қурилиши билан таништириб боришни лозим топдик.

Бугун Буюк Британия ҳукумати тузилиши ҳақида ҳикоя қиламиз.

Мустақиллик туфайли Буюк Британия Эксетр университетида давлат ва халқаро ҳуқуқ соҳасида малака ошириб қайтдим. Дунёдаги мамлакатлар давлатчилиги тарихига биринчилар қаторида кирган Британиянинг парламенти ва ҳукуматининг фаолиятини ўрганиш билан биргаликда Ўзбекистонимизнинг бой тарихи, олдимизда турган вазифалар ҳақида бир неча маротаба маъруза қилишимга тўғри келди. Давлатчилигимизни такомиллаштиришда Амир Темур меросидан фойдаланаётганлигимиз инглиз дўстларимизни жуда қизиқтирди. Чунки бу халқ кўп йиллик тарихига эга бўлган удумларини эзозлаб, ҳар кунги иш фаолиятида устамонлик билан фойдаланади.

Маълумки, ўз ичига Британия оролида жойлашган Англия, Уэлс, Шотландия ва Шимолий Ирландияни олган Бирлашган Қиролликда ёзилган конституция мавжуд эмас. Парламент актлари бўлмиш қонунлар, статутлар, конституциявий битимлар ва прецедентни белгиловчи юқори судларнинг қарорлари инглиз конституциявий ҳуқуқининг асоси ҳисобланади.

Мамлакат ҳукуматининг тузилиш жараёни парламент билан чамбарчас боғлиқ. Парламент икки палатадан — қиролича тайинлайдиган ёки мерос сифатида ўтадиган лордлар ва барча фуқаролар томонидан беш йиллик муддатга сайланадиган вакиллар палатасидан иборат. Бир-бири билан ўрин алмашиб турадиган консерваторлар ва лейбористлардан иборат икки партиявийлик тизими вужудга келган. Навбатдаги умумпарламент сайловларида кўпчилик овозни олиб, ғолиб чиққан партия ҳукмрон партия сифатида майдонга келиб ҳукуматни тузиш ҳуқуқини қўлга киритади. Мамлакатда ўнлаб йирик партияларнинг мавжуд бўлиб фаолият олиб боришига қарамай сайловларда фақатгина мана шу икки партия иштирок этишига йўл қўйилган. Сайловда ғолиб чиққан партия ҳукуматни тузиш билан биргаликда маҳаллий вакиллик идораларининг таркиби, иш юритиш тартиблари ва ўша минтақа аҳамиятига молик ижтимоий сиёсат юргазишнинг доирасига ҳам ўзининг бевосита таъсирини ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Расмий номи «Консерваторлар ва юнонистик ассоциацияларнинг миллий иттифоқи» баъзан «тори» деб номланадиган консерваторлар партиясининг Англия марказий давлат органлари билан бўлган алоқаси алоҳида аҳамиятни касб этади. Чунки мана шу партия монополистик капитал эгаларининг манфаатини ҳимоя қилади. Сўзимизнинг исботи сифатида рақамларга мурожаат қилсак. Партия аъзоларининг сони тўрт миллиондан ортиқ бўлиб, биринчи жаҳон урушидан бери консерваторлар эллик саккиз йил мобайнида парламент сайловларида ғолиб чиқиб ҳукуматни бошқариб келган.

Парламентда кўпчиликни ташкил этувчи партиянинг раҳбари давлатнинг Бош вазири бўлишлиги инглиз конституциявий ҳуқуқининг алоҳида муҳим томонидир. Бу ҳол Бош вазирни қирол, парламент ва вазирлар маҳкамаси билан бўладиган муносабатларини илгаридан белгилаб беради. Қонунларда кўрсатилишича Бош вазирликка номзод шахсга нисбатан қўйилган талаблар мавжуд эмас. Лекин юзага келган ҳуқуқий одатга кўра вояга етган парламент ҳар иккала палатанинг бирини депутати бўлган британ фуқароси Буюк Британиянинг Бош вазири лавозимига сайланиши мумкин.

Бош вазир ҳукуматни тузиш жараёнида кенг ваколатлар билан таъминланган: ҳукумат аъзоларининг рўйхатини тузиб, тасдиқлаш учун қироличага тақдим этади. Ҳукумат аъзоларининг сонини, нечта ва айнан ким маҳкама таркибига киришини белгилайди. Булардан ташқари ҳукуматдаги барча ўзгаришлар ва қайтадан тайинланишлар Бош вазир томонидан амалга оширилади.

Конституциявий битимларда кўрсатилишича ҳукумат саксонта кишидан иборат таркибда тузилади. Вазирлар маҳкамасининг таркибига эса 35 — 40 киши кириши белгиланган. Маҳкама таркибига кирган вазирлар «парламент котиблари» деб аталади. Британияда вазир даражасига эга бўлганларга нисбатан бир неча атама қулланиши одат тусига кирган. «Давлат котиби» деб аталмуш вазирлар одатда, тарихи бир неча юз йиллар илгари тузилган ташқи ишлар, ички ишлар ва мудофаа ишлари вазирларига нисбатан қўлланиб, улар ўз навбатида юқори табақали фуқаролар ичидан тайинланади. Баъзи марказий давлат идораларининг раҳбарлари канцлер, генерал-почмейстер деб номланиши шулар жумласидан. Ҳукумат таркибида давлат котиблари ва вазирларга қўшимча равишда фаолияти кўпқирали, иш ҳажми кўп бўлган вазирликлар қошида «давлат вазирлари» институти қўлланилади.

Вазирлар маҳкамаси 1937 йилда қабул қилинган қонунга кўра иш юритади. Унинг ташкил этилиши, фаолияти ва ваколатлари доираси бошқа конституциявий қонунларда ҳам белгиланган.

Британия ҳукуматининг ҳам парламент олдидаги жавобгарлиги 1852 йилда эришилган шартномага кўра белгиланган. Шуларни коллектив жавобгарлик принципи ҳукуматнинг бирдамлигига асосланган бўлиб истеъфога чиқиш, зарур бўлган ҳолатларда ҳукумат тўлиқ таркибда вазифасидан воз кечади. Ҳукуматнинг истеъфога кетишига асосан, унинг олиб бораётган сиёсати, у киритган таклифи парламентда овоз бериш борасида маъқулланмаганда, парламент ишончсизлик вотумига сабаб бўлади. Юзага келган ҳолатда вакиллар палатасининг ҳаракатлари юридик санкция деб баҳоланади. Палата ҳукуматни қувватламаслиги жавобгарликни юзага келтириб, санкция эса, истеъфога чиқаради.

Матчонбой МАТЧОНОВ.
Тошкент — Лондон — Тошкент.

Ғалабанинг 50 йиллигига

Абдимажид аканинг хизмат муддати 1941 йилнинг июнь ойида тугаганди. Энди уйига қайтай деганида уруш бошланди. Уруш ўз номи билан уруш-да. Қишли-қировли, куну туни бир, жангу жадалли юришлар, чекинишлар... Бутун иттифоқ бўйича турли миллат вакилларининг бир ёқадан бош чиқариб Ватан ҳимояси учун чеккан жафолари сароб бўлмади. Фашистлар Германияси устидан оламшумул ғалаба қозонилди. Бу буюк зафарни қучишда Абдимажид Абдураҳмоновнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор. У қарийб умрининг энг навқирон ўн йилини мангуликка дахлдор жон бериб, қон кечилган ўша суронли йилларга берди. Бу унинг учун улуғ шараф албатта.

БУРЧ ВА САДОҚАТ

Илк кўз очиб кўрган гўшаси қадим Самарқанддан 19 ёшида Ватан хизматига отланганди. Мағлубиятнинг оғир сабоқлари, ғалабанинг тотли, наъшали лаҳзалари қароқчи йилларнинг қурбони бўлиб, сувдай оқиб кетди. Ҳануз эсида: 1943 йилнинг 28 сентябри эди, уйларнинг биридаги ертўладан кутилмаганда пулемёт отилди. Абдимажид беш-олти қадам югуриб йиқилди. Қаттиқ уйқуга кетаётгандек ҳушидан кета бошлади. Ўзига келганда сезди: белидан, бошидан жароҳатланган, тўхтовсиз қон оқарди. Бир амаллаб тиззасидан рўмолча билан боғлаб қон оқишини тўхтатди. Қўшни поляк ҳамширалари уни госпиталга олиб кетишди. У ерда операция қилишди. Анча вақт гипсда ётди. Мухтасар қилиб айтганда, мана шу воқеадан кейин уни урушга яроқсиз деб топдилар. Абдимажид ака урушга жўнатасизлар деб туриб олди. Унга Тожикистоннинг Сталинобод райвоенкоматига ишга тайинланганлигини айтишди. У шу ерда ишлаб юрганда Самарқанддан телеграмма олди: «Отанг оғир ётибди». Минг афсуски, марҳумни сўнгги манзилга элтганларидан кейин етиб келди бу хабар. Шундай бўлса-да фарзандлик бурчини имкони етганича адо этди. Яна бурч, иш. Ажойиб инсон Абдимажид Абдураҳмонов ҳаётининг 30 йилини ҳарбий safларда ўтказди. Унинг хизматлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланди.

Эмил РЎЗИБОЕВ,
рассом.

"МУСТАҚИЛЛИК" ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

Бизнинг суҳбат

САВОБГА НЕ ЕТСИН

Абдумалик акани йўқлаб борганимизда бемор болани кўздан кечираётган эканлар. «Кўнгли тоза одамнинг ишиям покиза бўлади-да», — деди дабдурустдан ёнимда турган аёл. Ўғлим боксга қатнашарди. Бурни лат ебди. Унинг асорати қулоғига ҳам таъсир этган экан. Буни ҳеч қайси врач айтмаган, ё билишмаганми?.. Охири шу кишининг дарагини эшитиб, ўғлимни бошлаб келдим. Синчиклаб текшириб қулоқ, бурунни бирга даволаш лозимлигини айтдилар. Бири иккинчисига боғлиқлигини тушунтирдилар. Қўллари ептил экан. Худога шукур, болам янча яхши бўлиб қолди. Нимасини айтасиз. Бу киши савобнинг тагида қолган дўхтирда...». Бош кийимлар фабрикаси ишчиси Зумрад опа Орипованинг бу гаплари суҳбатдошим ҳақида қисман бўлса-да маълумот бергандек бўлди. Шифокор беморга керакли муолажа, дори-дармонларни тайинлагач навбат бизга келди. Таништик.

— Саккиз ака-ука ва бир сингиллик катта оиланинг аъзосиман, — деб таништирди узини Абдумалик Ҳакимов. — Мактабни медаль билан битириб, шифокорлик касбини танладим. Институтни тугатгач, ҳарбий врач сифатида Белоруссия, Венгрия, Чехословакияда хизмат қилдим. ТошМИда врач-ординатор, кейин аспирантура деганларидек... Икки ярим йилда пахтага сепиладиган дориларнинг қулоққа таъсири мавзуида кандидатлик ишини тайёрлаб, ҳимоя қилдим. Буни қарангки яна чет эл сафари чиқди. Етмиш саккизинчи йили Москвада алоҳида курсда португал тилини ўрганиб, Мозамбикка ишга отландим. Очиғи, анча нарса ўргандим. Икки йил ишлаб, қайтгач, яна илмий ишларни давом эт ириб, уч йил аввал докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Ҳозир 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги бундан ўн беш йил илгари ташкил этилган отоларингология клиникаси директориман. Оилам фармацевт. Икки ўғил, бир қизим бор.

Домланинг гапларини эшитиб ўтириб стол устида турган чиройли китобча эътиборимни тортди.

— **«Мусулмонлик асослари»ни ҳам ўқиб турасизми, домла?**

— Алҳамдулиллоҳ мусулмонмиз, ахир. Бу китобни бир қори домла совға қилгандилар. Уни ўқиб ёшлигимда буви, буваларим қилган тоатибодатлар ёдимга тушди. Қаранг, бизни шундай катта илм — диний таълимотдан бутунлай мосуво қилмоқчи бўлишди. Бунинг қандай ёмон томони бор, қачонки у бу дунёда фақат савоб иш қилишга ўргатса сизни. Кейинги пайтда лекцияга кирадиган шогирдларимга бир нарсани қайта-қайта таъкидлайман. Ҳар сафар дарс бошлашдан аввал талабаларга бироз булса-да одоб-ахлоқ ҳақида гапиринглар. Ёшларнинг қулоғига бири кирмаса бири киради-ку. Уларнинг кўплари вилоятлардан келган. Вақти келса ота-онасига хат ёзишни ҳам унутади. Ажаб эмас домласининг ҳар сафар уқтириши кор қилса. Қолаверса, шифокор аввало узининг муомаласи билан беморни даволаши керак. Шу боисдан ҳам машғулотларимиздаги кичик одобнома дақиқалари ёшларга катта сабоқ бўлади, деб ўйлайман.

— **Абдумалик ака, энди шу марказ фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?**

— Аввало шуни таъкидлашим керакки, марказимизнинг асосий вазифаси болалар ҳамда катта ёшдаги кишиларнинг эшитиш қобилиятини қайта тиклашдан иборат. Бундан ташқари гапиролмайдиган, дудуқланадиган болаларни ҳам, текшириб, уларнинг шифо топишига кумаклашамиз. Бу борада даволашнинг турли усулларидан фойдаланилади. Гоҳо тиг, гоҳо турли муолажалар билан бемор дардини аритишга, унинг атрофидаги барча шовқин-суронни эшитишига ёрдамлашамиз. Марказ асли саксонинчи йили республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Акром Муминов раҳбарлигида ташкил этилганди. Эндиликда унинг фаолияти ҳар жиҳатдан кенгайди. Янги бўлимлар очилди, даволашнинг турли усуллари топилянти. Албатта, булар марказда иш олиб бораётган, уз касбининг мутахассислари фаолияти натижасидир.

— **Эшитмасликнинг асл сабаблари нимада ўзи?**

— Текширишлар шуни кўрсатдики, болаларда учрайдиган қизамиқ, қўқйўтал, тепки, грипп сингари юқумли хасталиклар асорати кўпинча қулоққа таъсир этади. Ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёш шифокорлар сал шамоллаган ёки йўтал бошланган чақалоқларнинг тезроқ тузалишини назарда тутиб, гентомицин, стрептомицин, кономицин, мономицин сингари кучли антибиотиклар тавсия этадилар. Ваҳолонки, бу дори-дармонлар меъёрида қилинмаслиги оқибатида боланинг эшитув аъзоларига таъсир қилади. Қолаверса, кичкинтойларнинг йиқилиб, урилиб-сурилиб кўпроқ бошининг лат ейиши ҳам эшитмасликка сабаб бўлиши мумкин. Биз, шифокорлар ҳар доим аёлларнинг ҳомиладорлик вақти безарар ўтиши тарафдоримиз. Агар юкли аёл қизилча билан оғриса, туғилган ғўдак асоратли бўлиши аниқланди. Қариндош-уруғлар ўртасида яхши ният билан бўладиган қўдачиликнинг касрига ҳам кўп ҳолларда фарзандларимиз қолишянти.

— **Ҳа албатта, ачинарли ҳол бу... Касалликка олиб келувчи бундай сабаблар қай йўл билан аниқланади?**

— Бунинг учун махсус мутахассисларимиз, энг замонавий тиббий ашёларимиз, аппаратларимиз мавжуд. Қулоқ найчаларининг ўтказувчанлигини кўрсатадиган импедансометр, эшитишнинг пасайиш даражасини аниқлайдиган аудиометр, шунингдек ультратовуш аппарати, лазернинг ҳар хил турлари билан махсус хонада беморларнинг эшитиш қобилияти текширилади. Зарур ҳолда жарроҳлик қилишга ҳам тўғри келади. Игна билан даволаш, турли физиотерапевтик муолажалар, шунингдек электростимулятор ёрдамида қулоқ атрофидаги асаб толаларини «қитиқлаб» таъсир этиш йули билан беморлар дардини аритишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари эшитиш қобилиятини яхшилаш учун махсус ўқув хонаси мавжуд.

Дарҳақиқат, мазкур хонага кирганимизда унинг эгаси шифокор Маҳсума Муродхўжаева кичкинтойлар билан машғулот ўтказаётган экан. Қулоқларига эшитув анжомларини илиб олган болажонлар хонадаги ҳар хил ўйинчоқлар, суратларга ишора қилиб, энтак-тентак гапираётганларининг гувоҳи бўлдик.



— Биз машғулотларни атайин оналар иштирокида ўтказамиз, — тушунтиришда давом эттирди Абдумалик Ҳакимов. — Беморлар билан шуғулланганда нималарга эътибор бериш керак, қайси хатти-ҳаракатлар кичкинтойларнинг эшитиши, гапиришига кўпроқ таъсир этишини болалар билан бирга оналарга ҳам ўргатамиз. Боиси улар шифохонадан чиққандан кейин ҳам фарзандлари билан анча вақтгача махсус шуғулланишлари талаб этилади.

— **Абдумалик Маҳмудович, вилоятларда ҳам клиниканинг бўлимлари борми?**

— Марказимиздан етишиб чиққан уттиз нафардан ортиқ мутахассисимиз ҳозир деярли барча вилоятларда очилган кар беморларни даволовчи — сурдологик хоналарда ишлашянти. У ерда даволаш мумкин бўлмаган ҳолда бемор марказга юборилади. Айни вақтда клиникада барча вилоятлардан келган беморлар бор. Кези келганда яна шуни айтишим керакки, ҳар ойда ун марта марказ мутахассислари шаҳар «Тез ёрдам»ида навбатчилик қилишади. Айниқса, шундай кезларда турли тасодифий сабаб билан оғриган болалар, катталар ҳам шифохонага келтирилади. Хуллас, тиним бўлмайди.

— **Домла, энг қувончли кунингиз...**

— Қачон бўлади демоқчимисиз? Жавобим балки сизга эриш туюлар ёки китобийдек бўлару, аммо очиғини айтсам гунг, кар болаларнинг овозини баралла қўйиб гапиргани, эшитганини курганимда қувонганимдан узимни қўярга жой тополмайман. Дилимда «Худога шукур-ей, яна биттасининг палакати ариди», — деб қуяман.

Беморнинг жонига оро кириб, уни дарддан фориг қилишдан ортиқ савобли иш бўлмаса керак. Ваҳолонки, марказ клиника директори, профессор Абдумалик Ҳакимов раҳбарлигидаги мутахассислар зарур бўлса ҳар он ана шундай савоб ишга ҳозирлар.

«Ўзбекистон овози» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.

Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

ХОНАДОНГА ГАЗ КЕЛДИ

«Самарқандвилоятгаз» бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Молут билан суҳбат

— **Муҳаммад ака, Ўзбекистонда газлаштириш бўйича жиддий ўзгаришлар бўлди, шундай эмасми?**

— Кейинги 2-3 йил ичида бу соҳа бўйича кўп ишлар бажарилди. Ишончим комилки, Президентимизнинг аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони ўз номи билан тарихий бўлиб қолади.

— **Газлаштириш Самарқанддек бир вилоят миқёсида қандай бормоқда?**

— Вилоятимиз бўйича ҳам бу борада талай ишлар қилинди. Фармон чиққунга қадар қишлоқ аҳолисини газ билан таъминлаш 13 фоизни ташкил этган бўлса, бугун 56 фоизга етди. 1991-94 йилларучун мўлжалланган режа бўйича 18,5 минг хонадон газлаштирилиши керак эди. Амалда эса 98,3 минг хонадон бундан баҳраманд бўлди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмоновнинг ташаббуси билан имкониятлар қидирилиб биринчи навбатда шаҳардаги барча тиббиёт муассасалари, мактаб ва боғчаларни газлаштиришга эришдик. Биргина ўтган йилнинг ўзида Самарқанд, Жомбой туманларида газлаштириш тўла тугатилди. Булунғурнинг Килдон участкасига катта қувурлар олиб боряпмиз. Бунинг натижасида яна 10 та хўжаликка қувур тортиш имкони пайдо бўлади.

— **Бироқ баъзи туманлар, масалан Қўшработ тумани газлаштириш бўйича вилоятда охирги ўринлардан бирида турар экан. Бунинг боиси нимада?**

— Қўшработ масаласида қанча ҳангомалар, тортишувлар бўлмаган дейсиз. Бизни ҳам ўйлантириб келган муаммо бу. Шу кунгача борйўғи 5 фоиз газлашган. Тўғри, туман четроқда, тоғли зонада жойлашган. Юқори босимли газ қувурларидан ҳам узоқроқда. Маблағ масаласи ҳал этилганда юқоридагиларни рўкач қилишга ҳожат қолмаган бўлар эди. Яқинда бу ерда ҳоким ўзгарди. Қўшработнинг янги ҳокими Мансур Қўшбоев ишбилармон раҳбар. У билан бу тўғрисида бир тўхтамга келганмиз. Қўшни Иштихон тумани орқали ўтадиган юқори босимли газ қувуридан жорий йил охиригача Қўшработ тумани марказига ҳам катта қувурлар етиб боради. Маблағ масаласи ҳам ҳал этилган.

— **Ходимлар, яъни кадрлар масаласига эътибор қандай?**

— Барча соҳалардагидек бизда ҳам ислоҳотни етук ходимларсиз амалга оширишни тасаввур қилиш қийин. Бошқармамизда ҳам, туманлардаги бўлимларимизда ҳам бу борада жиддий ишлар қилинди. Баъзи олий маълумотли мутахассислардан воз кечишга тўғри келди. Начора, дипломи бўлмасин-у иш билсин. Давр тақозоси ҳам шу. Ходимларга яхши шарт-шароит яратиб беришимиз керак. Барча туманларда газчилар учун

кутубхона, дам олиш хонаси мавжуд. Кўпларида спорт заллари бор. Ўтган йил давомида 100 минг сўмлик сут маҳсулотлари, 32 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар ва бошқа воситалар тарқатилди. Гўзалкентда қўшқаватли бино ишга туширилди. Пайшанбада соғломлаштириш мажмуаси, Жомбойда замонавий ҳаммом — сауна, ошхона қуриб фойдаланишга топширилди.

— **Муҳаммад ака касбингиздан нолимайсизми?**

— Ўзим тошкентлик бўлсамда хизмат юзасидан кўп йиллар Бухорода ишладим. Тақдир тақозоси билан ҳозир Самарқанддаман. Аслини олганда халқ учун савобли иш қилишдан ортиқ шараф йўқ. Бу ҳақда ҳадиси шарифларда ҳам оз ёзилмаган. Айниқса, аёллар ташвишини камайтириш, оналар қўлидан ишни олишдек буюк савоб борми? Шундай экан, касбимдан нолишга ҳеч бир асос йўқ.

Суҳбатдош: Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёднома

ЯХШИДАН — ОТ ҚОЛАДИ

«Вафот этиши мумкин... Хафа бўлманг, аммо, билиб қўйганингиз яхши...»

Даволовчи шифокорнинг бу сўзлари мени лол қолдирди. Юрагим шув этиб кетди. Нақотки... Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас... Кўзлари юмуқ хастанинг тепасида турган оқ халатли нажоткорга тикилдим. Нигоҳлар тўқнашди. «Афсус, аммо, на чора» дегандай у бошларини сарак-сарак қилиб қўйди. Нафасим қисилиб кетди. Ташқарига-ҳовлига отилдим. Катта дарахтнинг тагидаги ўриндиққа ўтирдим.

Бундай пайтларда хаёл оти минг томонларга олиб қочади. Давфъатан биринчи учрашувимиз ёдимга тушди... Ушанда 1958 йилнинг июль ойлари эди. Дорилфунунни битирган биз талабалар сўнгги йиғин — иш жойига тақсимлаш маросимига тўпланган эдик. Турда - домлалар ўртасида ўтирган салобатли киши ҳар бир талаба билан алоҳида суҳбатлашиб, ҳол-аҳволини, қаердан эканлигини суриштириб, бир нечта иш таклиф этарди. Кейин билсак, бу киши Марказқўмдан келган шўъба мудири Аҳмад Исмоилов экан. Унинг гап-сўзлари, муомала маданияти «гўр полапонлар» бўлган бизнинг қалбларимизда аллақандай бир илиқлик уйғотган эди... Йиллар ўтиб, у киши билан бирга ишлашга тўғри келишини ким ўйлабди, дейсиз.

... Ҳа, 1963 йилга келиб, Аҳмад Исмоилов «Тошкент ҳақиқати» газетасига муҳаррир этиб тайинланди. Дастлабки кунларданоқ янги раҳбар жамоанинг ҳар бир аъзоси юрагига киришга уринарди. Газета йўналишини ўзгартириш, мавзулар доирасини кенгайтириш, мақолалар сифатини ошириш, саҳифалар безагини яхшилаш хусусидаги унинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари ҳамон эсимизда...

Аҳмад ака жуда катта иш тажрибасига эга эди. Ахир у «Тошкент ҳақиқати»га келгунча улкан ҳаёт йўлини босиб ўтган, газетачиликнинг машаққатли синовларини татиган, матбуотда кўзга кўринган атоқли журналистлар билан бирга ишлаганди. Унинг Қосим Сорокин, Зиё Саид, Комил Алиев, Аъзам Аюпов, Муҳаммад Ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Ойис Раҳимий ва бошқа ўнлаб донгдор газета ходимлари ҳақидаги ҳикоялари биз учун ўзига хос бир маърифат дарслари вазифасини ўтарди. У соатлаб ўтириб, эринмай, юқоридаги қалам соҳибларининг ажойиб фазилатлари, иш услублари, ижодларининг ўзига хос қирралари ҳақида сўзлаб берарди. Биз ёшлар — М. Мирҳамидов, Н. Рихсиев, С. Мусаев, Ш.Умрзоқов, С. Ҳасанов, У. Жонгитов ва бошқалар унинг ҳар бир сўзини жон қулоғимиз билан тинглаб, ҳар бир маслаҳатидан тегишли хулосалар чиқариб олишга ҳаракат қилар эдик.

... Бир маҳал ёнимга кимдир келиб ўтирганини сезиб қолдим. Қарасам, бояги шифокор. Ҳорғин. Обдон чарчаганга ўхшайди.

— Сиз бу киши билан анчадан бери бирга ишлайсизми?

— Ҳа, ўн етти йил бўлди... Муовинлариман...

— Чиқмаган жондан умид, дейдилар. Уни сақлаб қолиш учун бутун чораларни кўряпмиз. Ажаб эмас... Ҳозир қайтиб келаман...

Доктор кетди. Яна кўз олдимда хаста устознинг чеҳраси гавдаланди. Сўзлари қулоққа чалингандек бўлди.

— Газета ходими, энг аввало, ўта билимдон, ўз ишининг устаси, камтар, ҳалол бўлиши керак. Яхши хислатлар унга бир умр ҳамроҳ бўлмоғи лозим. Мана атрофингизга қаранг, Ғафур Ғулом, Воҳид Зоҳидов, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Степан Семёнович Черник, Холбек Ёдгоров, Ҳабиб Нўъмон, Рихси Саҳибоев, Рустам Абдурраҳмонов, Иброҳим Раҳим, Исмоил Сулаймонов, Тўғон Эрназаров... Улар жуда кўп. Лекин, уларнинг ҳар бири бир олам. Ёшлар учун уларнинг ҳар бири биттадан дорилфунун. Қунт билан, синчковлик билан, астойдил уларнинг ижод услубларини, иш тажрибаларини ўрганмоқ фақат фойда беради, — дердилар Аҳмад Исмоилович.

Муҳаррирларимизнинг тўғри гаплар айтганига ҳадемаёқ амин бўлардик. Ғафур ака, Зиёд ака, Мақсуд ака, Акмал Пулат ва бошқалар тез-тез таҳририятимизга ташриф буюришар, ўртада қизғин мусоҳабалар, ижодий мулоқотлар бўлиб турарди. Айниқса, машҳур шоиримиз Ғафур Ғулом бот-бот пайдо бўлиб қолардилар. У нима учундир «Тошкент ҳақиқати»ни ўзига яқин тутарди. Бунинг боисини бир куни у кишининг гапларидан англаб қолдик:

— Йигирма саккизинчи йилда «Шарқ ҳақиқати» деган янги газета чиқа бошлаган. Уша «Тошкент ҳақиқати»нинг оғаси бўлади. Мен ушанда масъул котиб бўлганман. Аҳмад, сани масъул котибинг ким?

Аҳмад ака кулиб, мени кўрсатдилар.

— Оғзингни оч, — дедилар Ғафур ака давфъатан, — туф, туф, ана энди сен ҳам зўр котиб, ҳам зўр шоир бўласан... Мана санга битта шеър. Гонорарини ҳозир ёзиб, пулини обчиқиб берасан.

Мақсуд ака дўқ келиб қолардилар.

— Мен сенинг устозингман, юзимни ерга қаратма. Яхшилаб ишла, — дердилар.

Чиндан ҳам Мақсуд Қориев мени катта йўлга етаклаб олиб чиққан биринчи устозим эди. Лекин, у киши билан бирга кўп ишлаш насиб этмади. Мақсуд акам «Совет Ўзбекистони»га муҳаррир бўлиб ўтиб кетдилар. Лекин, ҳар кўрганда «Аҳмад аканинг тажрибасини ўрган» деб қулоғимга қуярдилар.

Чиндан ҳам А.Исмоилов журналистиканинг «пири» эди. У ўз иш фаолиятини туман газеталаридан бошлаган, «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» каби республика рўзномаларида чиниққан, уруш йилларида Фарҳод ГЭСида чиққан «Халқ қурилиши»жаридасида ишлаган, Марказқўмда шўъба мудири сифатида бутун матбуотга раҳбарлик қилган. Аҳмад ака фаолиятига ҳавас қилса арзирди. Мухбирлик сўқмоқларини босиб ўтиш, республика отахон газетасида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви котиби, Тошкент журналистлар ташкилоти раҳбари бўлиш айтишгагина осон эди. Лекин, у киши ўз «бисоти»ни қизғанмасди. Қандай савол билан мурожаат қилсангиз, дарҳол тўлиқ ва аниқ жавоб олар эдингиз.

... — Ассалому алайкум...

Бошимни кўтардим. Тепамда Аҳмад аканинг тўнғич ўғиллари Фарҳод турарди. Қурищдик. Жигарчилик экан Фарҳоднинг кўзларида ёш кўринди.

— Хафа бўлма, укам, худо хоҳласа, тузалиб кетадилар.

Аҳмад ака ажойиб одам, оила бошлиғи ҳам эдилар. Гулнора, Дилнора, Фарҳод, Шуҳрат, Баҳодир... У фарзандларини ҳаддан ташқари севарди. Орқаворотдан улар ҳақида кўп гапирарди. Уларнинг муносиб одамлар бўлиб етишишини жуда-жуда истарди.

Бирга тепага — беморларни қайта ўзига келтириш хонасига кўтарилдик. Мажолсиз ётган устозни яна кўриб чиқдик. Йўлда Фарҳод онаси ҳақида ташвишланиб гапириб қолди... Ҳақиқатан ҳам Сония опа кейинги йилларда оғир касалликка чалинган эди. Аҳмад ака умр йўлдошларини соғайтириш йўлида кўп азият чекди. Касалхонама-касалхона югурди. Москваларгача олиб бориб келди. Операциялар қилдирди. Сония опа энди ўзини тута бошлаганда Аҳмад ака бирдан бундоқ бўлиб қолдилар. Тақдирни билиб бўлмайди, деб шуни айтадилар-да.

Индинига эрталаб яна ҳукумат шифохонасига устозни кўргани бордим. Ёпирай, тилдан қолган одам энди бемалол гапирар, ақли-хуши жойида, сезгирлиги бинойидек эди. «Дард бошқа, ажал бошқа» деган гап дилимдан ўтди. Хурсанд бўлдим. Энди, худо хоҳласа, тузалиб кетади. Аҳмад аканинг йиғлаганини ҳеч кўрмаганман. Аммо бу safар у нимагадир кўз ёши қилиб олди. Ҳай-ҳайлашимизга қарамай, эшик бўсағасигача кузатиб борди.

Газета чиқаётган эди. Кеч соат еттилар чамаси телефон жиринглаб қолди.

— Лаббай!..

— Газетани тухтатиб тур, Аҳмад ака ҳозир оламдан ўтдилар...

Бу «Ташкентская правда» газетаси муҳаррири Борис Миронович Шатуновскийнинг ҳаяжонли овози эди. Қўллардан қаламлар тушиб кетди... Бу қанақаси? Эрталаб туппа-тузук эдилар-ку... Учадиган чироқ бир ёниб учади, деганлари шумикан?!.. Таҳририятни бир зумда мотам сукунати чулғади. Ғамгин ходимлар нима қиларини билмай, гангиб қолишган эди. «Ҳар қандай вазиятда ҳам одам ўзини йўқотмаслиги керак». Бу Аҳмад аканинг кўп марта такрорлайдиган сўзлари эди. Ҳаёт давом этади. Хоҳласак-хоҳламасак газетанинг навбатдаги сонини чиқаришимиз керак эди... Аҳмад ака Исмоилов вафоти тўғрисидаги бир неча сатрлик хабар баайни шу сонда босилиб чиқди. Эртасига эса барча газеталарда ҳукумат, вилоят раҳбарлари имзо чеккан таъзиянома Аҳмад Исмоиловнинг сурати билан бирга чоп этилди... Бу сана 1980 йилнинг 8 феврали эди.

... Аҳмад Исмоилович соғомон бўлганларида шу кунларда 80 ёшни қаршилаган бўлардилар. Афсус, умрлари қисқа экан. Лекин, у киши мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ўзбекистон матбуоти тарихида салмоқли из қолдирди. Қатор-қатор ҳукумат орденлари, медаллари, фахрий ёрлиқлари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, катта салоҳият соҳиби, ажойиб фазилатлар эгаси бўлган инсон энди орамизда йўқ. Аммо, у кишининг порлоқ хотираси фарзандлари, хешу-ақраболари, яқин танишлари, юзлаб шогирдлари, минг-минглаб газетхонлар қалбида абадий яшайди. У кишининг туғилган кунлари — ўша пайтдаги матбуот байрами 5 май куни нишонланар эди. Буни қарангки, «Тошкент ҳақиқати» газетаси таваллуд топган кун — 9 февралда Тошкент шаҳридаги Форобий қабристонига дафн этилдилар. Булар тасодифий саналарми?! Қайдам... Ҳарна бўлганда ҳам бу гаплар Аҳмад ака Исмоилов матбуот учун тўғилган одам эди, дейишимизга бир қадар асос бўлади.

Яхши инсон ҳамиша тушга киради, дейдилар. Устози қабир ҳамон менинг ҳам тушларимга киради. Гоҳ куйиб-пишиб, гоҳ хушчақчақ юрганларини кўраман. Ишқилиб, Яратганнинг ўзи устозимизни ярлақаган бўлсин.!.. Руҳлари биз шогирдларидан мамнун бўлса, бас...

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси "НАВРЎЗ" хайрия жамғармаси, "ЎЗТАДБИРКОРБАНК" Сизни ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ билан қизғин қутлайди

Шу билан биргаликда уруш қатнашчилари ва фронт орқасида жасорат кўрсатган азиз юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш учун чиқарилган **"НАВРЎЗ — 95"** хайрия лотереяларини сотиб олишга таклиф этади.

Унда Сизга 1000 сўмдан 1000000 сўмгача ютуқ чиқиши мумкин.

"Ўзтадбиркорбанк" ва **"Наврўз"** жамғармаси энг кўп лотерея сотиб олган саховатли юридик шахсларга байрам туҳфаси сифатида алоҳида имтиёзлар яратиб беради.

Ютуқлар тиражи шу йил 30 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Наврўз ва Ғалабанинг 50 йиллиги байрамлари Сиз учун зафарлар айёми бўлсин!

ТАШКИЛОТ СОТАДИ

— Соатига 70, 100, 150, 200 килограмм ун ва омихта ем чиқарадиган тегирмонлар;
— ҳўл мева қуритадиган шкафлар;
— 420, 700, 3000 дона тухумга мўлжалланган инкубаторлар;
— товуқ ва гўшт маҳсулотларини пиширувчи гриль шкафлар;
— сутни қайта ишлайдиган цехлар.

Телефонлар:
79-18-30, 79-24-40,
79-24-15, 44-47-69, 62-07-91.

ПОЛЬША САВДО КОМПАНИЯСИ
доимий равишда
IV ва V турдаги олий ва I-навли

ПАХТА ТОЛАСИ СОТИБ ОЛАДИ

Бизнинг манзил:
EXPORT IMPORT TRADING
"EUROTAXPOL" S.C.

80-952 ГДАНСК: ПОЛЬША, ФИЗЗЕРА кўчаси 14/227.

Тел. (1048 58) 47-17-49.
Тел/факс: (1048 58) 47-22-29.

Газета 50 йил олдин ёзганди

1945 йилда мамлакатга бир миллион тонна пахта берамиз.

ҚУРБОН ОТА ХИРМОНИ

Республика пахтакорларининг иккинчи қурултойида ҳурматли Қурбон ота Нурматов тажрибаси ҳақида айтилган эди. Ўтган йили пахтадан энг юқори ҳосил етиштирган Қурбон ота ўз звеноси аъзолари билан маслаҳатлашиб, бу йил гектаридан 125 центнердан пахта беришга аҳд қилди. Бу ҳосил ўз-ўзидан келмайди. Уни зўр меҳнат қилиш, моҳирлик билан иш тутиш натижасидагина қўлга киритиш мумкин.

— Ғалабага эришиш учун жонингни ачит, пешона тери тўк, ҳушёр ва моҳир бўл,— дейди уста пахтакор Қурбон ота.

Қурбон ота звеноси бу йил Избоскан районидаги «Зарбдор» колхозида 8 гектар ерга чигит экиб деҳқончилик қилади. Улар ваъдага вафо қилиш иштиёқида биринчи бўлиб далага чиқишди. Миришкорлар чигит экишга ҳозирликни бошлаб юборишдилар.

Холбек ЁДГОРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.
1945 йил 7 март.

Ҳамза номидаги театрнинг 25 йиллик юбилейи олдидан

АБРОР

Ҳар бир умрнинг бир якуни, ўз ҳаққи-ҳисоби бор. Ҳар ким ўз отаси билан фахрланиши мумкин. Аммо, якун ясалганда — отанг ким?— деб сўрамайдилар, балки касбинг нима эди-ю, бу ҳунарингдан халқингга қанчалик манфаат етди?— деб сўрайдилар...

Саволлар ичида.

— Ўртоқларинг ким эди? деган сўроқ ҳам, албатта, бўлади. Ўртоқларим, асрдошларимнинг муборак номларини ҳарфма-ҳарф айтиб бераман. Шу қутлуғ номларнинг олдинги қаторида, азиз дўстим, болаликдан бирга ўсган биродарим Аброрнинг номини ҳам фахр билан айтаман. Чунки Аброр Хидоятов халқимнинг шонли шарафи, маданияти, давлати ва эътиборини кўтаришда жон чекиб, жафо тортган, бир бутун умрининг мазмунини шу хизмат учун аямай сарф қилган ўғилларнинг биридир.

Ҳамза театри қайси асарни қўймасин, унинг энг масъулиятли бош ролида Аброр бўлиб келди. Чунончи «Бой ила хизматчи»да Ғофирни, «Муқанна»да Муқанна, «Гамлет»да Гамлет ва ҳоказо ролларни ўйнади.

Ахир бир қўйилишда 27 кун муттасил қўйилган спектаклни Шекспир ёзиб, Аброр ўйнаган эди-да.

Ғафур ҒУЛОМ,
«Қизил Ўзбекистон» 1945 йил 25 март.

Газета тахламларини Юнус ЗИЁДОВ варақлади.

Спорт

• *Олий табақа*

«ПАХТАКОР» МАВҚЕНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

• **Мамлакат миллий чемпионатида 6-тур ўйинлари бўлиб ўтди.**

Саккиз учрашувда дарвозалар 22 марта ишғол этилиши ўйинларнинг ҳужумкор ва муросасиз руҳда ўтганидан нишонадир. Мухлисларни кўпроқ қизиқтирган учрашув «Нефтчи» билан «Суғдиёна» ўйини бўлди. Мавсум бошидан бери мағлубият нималигини билмай тўп сураётган фарғоналиклар олтинчи ғалабага эришиб, очколарини 18 тага етказишди. Кейинги учрашувларни ҳужумкорлик билан ўтказишга ҳаракат қилаётган пахтакорчилар ҳам мавқеларини мустаҳкамладилар. Улар Чирчиқда ғалаба қозониб, иккинчи ўринга кўтарилишди. Мухлислар эса 14 май куни «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида ўтказиладиган учрашувга қизиқиш билан қарамоқдалар. Бу йилги мавсумни термизлик армиячилар билан «Политотдел» футболчилари сусткашлик билан ўтказишяпти. Армиячилар ҳисобида учгина очко бўлса, «Политотдел» жамоаси ҳозирча икки дуранг натижа билан қаноатланиб турибди. Навбатдаги учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Динамо» — «Наврўз» — 0:0, «Янгиер» — АСК — 3:0, «Чирчиқ» — «Пахтакор» — 1:3, «Машъал» — «Политотдел» — 2:0, «Нефтчи» — «Суғдиёна» — 5:1, «Нурафшон» — «Темирйўлчи» — 3:1, «Навбаҳор» — МҲСК — 1:1, «Атласчи» — «Трактор» — 1:0.

• *Биринчи табақа*

ҲОЗИРЧА ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

• **Ўринбосарлар жамоалари ҳам учрашувларни дадилроқ ўтказишяпти.**

Бу галги ўйинларда дарвозаларга 26 та тўп киритилди. Ҳозир биринчи минтақада «Прогресс» 11 очко билан биринчи ўринга кўтарилди. Иккинчи ўринда бораётган «Зарафшон» ҳисобида 10 та очко бор. Иккинчи минтақа аъзолари ўртасида «Ғазалкент» 15 та очко билан ҳозирча ягона пешқадам. «Наврўз» 10 та очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

• *Спартакиада*

МАЙДОНДА МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ

• • **Ўтган дам олиш куни Тошкентнинг «Старт» ўйингоҳи байрамона гавжумлашди.**

Бу ерда Тошкент шаҳар маҳаллалари спортчи ёшлари ўртасида спартакиада ўтказилди. Мусобақа Тошкент шаҳар маҳаллалар ҳамда шаҳар спорт қўмиталари ташаббуси билан уюштирилди. Мухлисларда яхши таъссурот қолдирган арқон тортиш мусобақасида Шайхонтоҳур тумани маҳаллалари спортчилар жамоаси биринчиликка эришди. Чилонзорликлар иккинчи ўринни эгаллади. Спартакиада маҳаллаларда спортни оммавийлаштириш, соғлом авлодни камол топтириш йўлидаги ҳайрли одимдир.

• *Қулайлик*

ДЕҲҚОН БОЗОРИ

• **Қоракўл тумани чирой очмоқда. Бу ерда деҳқон бозорини фойдаланишга топширилиши айни муддао бўлди.**

Гавжум бозор пештахталари кундалик маҳсулотлар билан тўлдирилган. Дўконларда кийим-кечак, мева-сабзавотлар етарли. Бозор қурилишини 187-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари барпо этдилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

«Ҳаёт ва қонун « юридик журнали жамоаси журналнинг масъул ходими Қодиржон Машрабовга укаси **Бурҳон МАШРАБОВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.30

123456.